**Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун маиший чиқинди (М.Ч.) ларни олиб чиқиб кетиш буйича хизмат курсатиш**

**ШАРТНОМАСИ №** К-22-36

«16» 01 2022 йил Қуқон шаҳар

Бундан буён матнда "Ижрочи" деб аталувчи қорхона туғрисидаги Низом асосида фаолият олиб борувчи Фарғона вилояти **"ТОЗА ҲУДУД" ДУК** Қуқон шаҳар филиали раҳбари **Ходжаназаров Исмоилходжа Нуритдинович,** бир томондан ва бундан буён матнда "Буюртмачи" деб юритилувчи Қўқон педагогика коллежи номидан раҳбар Ч. Тажалова иккинчи томондан, қуйидагилар туғрисида шартнома туздилар:

**1.ШАРТНОМА МАЗМУНИ**

1.1."Буюртмачи" М.Ч ларни топширади, "Ижрочи" эса ______ манзилдан ______ маротаба ______ дона (чиқинди сақлаш қутилар ҳажми 750л. 1100л. 20м3) чиқинди сақлаш қутиларидаги қаттиқ маиший чиқинди ва суюқ маиший чиқиндилар (бундан буён маиший чиқинди М.Ч деб ўқилсин) ни ташиб чиқиб кетиш ишларини бажаришни уз зиммасига олади, "Буюртмачи" эса тулов жадвали асосида хизмат туловларини тулаб бориши шарт.

1.2.М.Ч.ларнинг умумий ҳажми [illegible] 125 м3, тоннани ташкил этади.

**2.ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

2.1 Ушбу шартномани имзолаш пайтидаги амалдаги вилоят хокими томонидан тасдиқланган тариф бўйича нарх ҳар бир м3 МЧ учун [illegible] сўм, (ҚҚС билан ҚҚС сиз).

2.2 Суюқ маиший чиқинди (СМЧ) амалдаги тариф буйича ҳар бир тоннаси учун ______ сум, (ҚҚС билан ҚҚС сиз).

2.3 Шартнома буйича бир йиллик кўзда тутилган тулов суммаси 6000000 (олти миллион) (______) сумни ташкил этади.

2.4 Узбекистон Республикаси Президентининг 22.11.2018 йил кунги ПҚ-5580-сонли Фармонига асосан, қаттиқ маиший чиқиндиларни туплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбирқорлар томонидан тўлов истеъмолчилари ва хизмат курсатувчи ташқилотлар уртасида тузиладиган шартномаларга мувофиқ бевосита хизмат курсатувчи ташкилотларга 100 фоиз олдиндан тулаш асосида амалга оширилади.

**3."БУЮРТМАЧИ" МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1 Маиший чиқиндиларни йиғилиш хажми ва олиб чиқиб кетиш муддатига биноан керақли миқдорда чиқиндилар йиғиш контейнерларни алоҳида шартномалар ва туловлар асосида сотиб олиш.

3.2 МЧ ташланадиган қутиларни қурилиш ва йирик ҳажмдаги чиқиндилар, шох-шоббалар билан тулдирмаслик, аксинча, уларни махсус жойга йиғиш ҳамда бу чиқиндиларни ташиб кетиш учун алоҳида бир маротабалик шартнома тузиш.

3.3 Чиқинди сақлаш қутилари жойлашган майдончалар ва чиқинди туплаш қурилмаларига автомашиналарнинг эркин яқинлашишини ва чиқинди қутиларини доимо соз ҳолда сақлашни таъминлаш.

3.4 МЧларни ўз вақтида ташиб чиқиб кетилишини доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда **+99891 200-12-50** телофонига телефонограмма йуллаш орқали "Ижрочи"га маълумот бериш.

3.5 Бажарилган ишнинг ҳажмини "Ижрочи" нинг хужжатларида "Буюртмачи" вақилининг имзоси ва қорхона мухри билан тасдиқлаб бериш.

3.6 Ҳар ойнинг бошида утган ойда бажарилган иш ҳажмининг бажарилганлигини курсатувчи ҳисоб далолатномаси расмийлаштириш.

3.7 "Буюртмачи" маиший чиқиндиларни марказий кучаларининг белгиланган жойларига кеч соат - 18:00 дан 22:30 гача олиб чиқиш огохлантирилади.

**4."ИЖРОЧИ" МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Алохида шартома ва туловлар асосида Ижрочи Буюртмачига чиқинди йиғиш кутиларни қеракли миқдорда алоҳида шартномалар ва туловлар асосида сотиш.

4.2. "Буюртмачи" худудидан МЧ ташланадиган махсус кутилардан махсус автомашиналарда жадвал асосида чиқиндиларни олиб чиқиб қетилишини таъминлаш.

4.3. "Буюртмачи"нинг буюртмасига асосан қушимча тулов ҳисобига қурилиш ва йирик хажмдаги чиқиндиларни, шох-шаббаларни олиб чиқиб кетиш учун транспорт ажратиш.

4.4. "Буюртмачи" томонидан МЧни ўз вақтида олиб чиқиб кетилмагани туғрисида маълумот келиб тушгандан сунг 1 кун муддан ичида "Буюрмачи" худудидан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш.

4.5. Бириктирилган йуналишда санитар тозалик назоратини олиб бориш.

**5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1."Ижрочи" томонидан МЧ келишилган вақтда олинмаган тақдирда "Буюртмачи" ______телефон орқали "Ижрочи"нинг вақилини далолатнома тузиш учун чақиртириш қерак.

Агар "Ижрочи" ушбу хабарномадан сунг уз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 24 соат ичида МЧ олиб чиқиб кетилмаса, "Буюртмачи" жамоатчилик иштироқида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома айбдорга нисбатан шартномада курсатилган жазо турларини куллаш учун асос ҳисобланади.

5.2."Ижрочи" томонидан уз вақтида МЧ олиб чиқиб қетилмаганда икки томон вақиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида хар бир кун учун олиб чиқиб қетилмаган МЧ хажми қийматидан 0,4фоиз миқдорда, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда "Буюртмачи"га пеня тулайди.

5.3. "Буюрмачи" шартномада курсатилган муддатдан кечиктирилган хар бир кун учун белгиланган муддатда туланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорда, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50 фоиздан ошмаган миқдорда "Ижрочи"га пеня тулайди.

5.4. Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

## 6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммоларни томонларнинг узаро музокаралари орқали хал килиниши мумкин булмаган холларда хужалик суди томонидан ёки хакамлик суди томонидан хал қилинади.

6.2. Томонларнинг манзили, корхона номи, хисоб рақами узгарган тақдирда хамда МЧ хажми узгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо булганда бир томон иккинчи томонга 10 кун ичида ёзма маълумот беради.

6.3. Шартноманинг 1.2. бандида курсатилган МЧнинг ҳажми “Буюртмачи”нинг айби билан тақдим этилмаса, ёки “Буюртмачи” “Ижрочи” нинг юк ташиш ҳужжатларини расмийлаштирилдан бош тортса, “Ижрочи” жамоатчилик вакили иштирокида далолатнома тузади. Ушбу далолатнома иш тўлик микдорда бажарилди деб ҳисобланишига ва тулик микдорда тулов амалга оширилишига асос булади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1 Тарафлар уз ихтиёрларига қарамай юзага келиши мумкин булган сабаблар ёхуд ҳолатлар (шу жумладан зилзила, сув тошқини, уриш холати тарафларнинг ихтиёрига боғлик булмаган бошка табиий офатлар) ҳамда Хукуматнинг норматив-хукукий ҳужжати қабул килиниб, шартномавий мажбуриятларни бажарилишига тускинлик килишига олиб келганда, корхонага боглиқ булмаган ҳолда ёқилғи мойлаш (газ, дизел) махсулотларининг узилиши ,бу ҳолатлардан хабардор бўлган ёки бўлиши лозим булган тараф икки хафта олдин бошқа тарафга ёзма равишда маълум қилган ҳолдагина ушбу ҳолатлар форс-мажор ҳолати ҳисобланиб, ушбу ҳолатда тарафлар мажбуриятларни бажара олмаганлиги учун жавобгар бўлмайдилар.

## 8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. “Ижрочи” хом-ашё, ёқилғи-мойлаш махсулотлари ва энг кам ойлик иш хақи миқдори узгариши муносабати билан белгиланган тартибда бир томонлама хизмат нархларини узгартиришга хақлидир ва у “Буюрмачи”ни шу туғрида ёзма равишда огохлантиради.

## 9. ШАРТНОМА МУДДАТИ

9.1. Шартноманинг муддати руйхатга олинган кундан “16” 01 дан “31”декабр 2022 йилгача белгиланади. Агар шартнома муддати тугаши муносабати билан тарафлар бир бирини ҳабардор этмаган тақдирда, шартнома муддати келгуси йил охиригача узайтирилган ҳисобланади.

## 10. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ, УЗГАРТИРИШ ЁКИ ҚУШИМЧА КИРИТИШ ТАРТИБИ

Амалдаги шартнома муддатидан олдин қуйдаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин.

10.1 Мазкур шартномага ҳар қандай узгартириш ва кушимча киритиш ёки шартномани муддатидан илгари бекор қилиш ушбу ҳақдаги таклифлар ёзма равишда амалга оширилиб, ваколатли шахслар томонидан имзолангандан сунгина хақиқий деб топилиб, ушбу илова шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10.2 Ушбу шартнома икки нусхада булиб, ҳар бири юридик кучга эгадир. Шартнома бир донадан ҳар бир тарафда сақланади.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| “ИЖРОЧИ” | “БУЮРТМАЧИ” |
|---|---|
| **“ТОЗА ҲУДУД”** ДУК **Қуқон шахар филиали** | Қўқон педагогика коллежи |
| **Манзил:** Фаргона вилояти Қуқон шахар Сангзор кучаси 7 уй | **Манзил:** Қўқон шаҳар Туркистон 8а маҳалла |
| **Х/р: 22604 00050 07820 08043** | **Х/р**: 23402000300100001010 |
| **МФО:00544 ИНН:304906649** | **МФО:** [illegible]014 ИНН 201122919 |
| **Банк номи:** ФАРГОНА Ш."ИПОТЕКА-БАНК" АТИБ ФАРГОНА ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ | **Банк номи:** [illegible] 400910860304057092600251001 |
| Рахбар:____________ **И.Н.Ходжаназаров** | Рахбар: Г. Расулова ИНН 200131472 |

## Ю р и д и к  х у л о с а

Тузилаётган шартнома лойихасини хуқуқий экспертизасини «Хужалик юритувчи обеъклар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси туғрисида»ги Қонуннинг 10,20,21-моддаларига биноан хуқуқий экспертизадан утказилди. Шартнома Узбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 353-354, 357-366-моддаларига мос келади.

Шартнома предмети, хисоб-китоб тартиби, томонларнинг мажбуриятлари, жавобгарлиги ва низоларни хал этиш тартиби ва бошқа зарур шартлар белгиланган. Шартнома реквизитлаи тулиқ тулдирилган. Шартномадаги тарафлар номидан шартномани имзоловчилар ваколатлари урганилиб, шартнома тузишга ваколатлилиги аниқланди. Мазкур шартнома лойихасини Узбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига амал қилган холда тузилди ва бу шартнома буйича тарафлар узаро хужалик алоқаларини йулга қуйиб манфаатли хамкорликни йулга қуйишлари мумкин.

Ҳулоса сифатида шартномани имзолаш мумкинлиги аниқланди.

Хуқуқшунос: